“ТАСДИҚЛАЙМАН”
**Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси бош муҳандиси – танлов комиссияси раиси**
**_________ Ш. Фохиров**
**2022 йил “___” __________**

**Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан бошланғич қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 (олти) минг баробаригача бўлган, энг яхши таклифларни танлаш воситасида давлат харидларини ўтказиш (*инвестиция, “Обод қишлоқ ва Обод маҳалла” ҳамда хукумат қарорларига киритилган объектлар бўйича пудрат ташкилотини танлаш бундан мустасно*) учун хукумат қарорларига киритилган объектлар бўйича Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси директорининг 2022 йил 6 майдаги №08/21-ИЧ-сонли буйруғига мувофиқ тасдиқланган.**

# ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ
# (Р Е Г Л А М Е Н Т И)

Бухоро шаҳри

Компаниянинг 2022 йил 6 майдаги №08/21-ИЧ-сонли буйруғига мувофиқ тасдиқланган танлов комиссиясининг таркиби:

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ш. Фохиров | - | Бухоро вилояти ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси бош муҳандиси, *танлов комиссияси раиси* |
| 2. | Ф. Латипов | - | Бухоро вилояти ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси Иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари, *танлов комиссияси раисининг ўринбосари* |
| 3. | Р. Ҳайитов | - | Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи |
| 4. | Б. Ортиқов | - | Компания “Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларини тайёрлаш бўлими бошлиғи” |
| 5. | Ж. Джалилов | - | Лойихаларни бошкариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими бошлиғи. |

## КУН ТАРТИБИ:

1. Танлов комиссиясининг Иш тартиби (Регламенти)ни белгилаб олиш;
2. Танлов ва иштирокчиларнинг малакасини аниқлаш ҳужжатлари, офертаsærларни электрон жойлаш шарти ва талабларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;
3. Таклифларни техник баҳолаш мезонларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
4. Танловларни ўтказиш муддатини аниқлаш.

Кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан сўзга чиққанлар:

1. Танлов комиссияси раиси Ш. Фохиров ўтказиладиган танловларни белгиланган тартиб асосида қонуний ўтишини таъминлаш, танлов ҳужжатлари талабларига мос равишда ташкилотларни танлаш, танловлар жараёнини комиссия аъзолари томонидан маъқулланадиган ва буюртмачи томонидан тасдиқланадиган Иш тартиби (Регламенти)га асосан ўтказиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

2. Шунингдек, танлов иштирокчилари томонидан танлов ҳужжатлари таркибида коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

3. Танлов комиссияси раиси Ш. Фохиров танлов ҳужжатларини техник баҳолаш иштирокчилар тақдим қилган ҳужжатлар таркибидан малакасини аниқлаш орқали, шунингдек нархга оид таклифларини баҳолаган ҳолда харид комиссиясининг кўпчилик овози билан ҳал қилинишини таклиф этди. Шунингдек, давлат харидини амалга оширишда иштирокчиларнинг охирги 3 йиллик тажрибасини ҳисобга олиш, бошқарувчи, муҳандис-техник ходимлар ва ишчиларнинг мавжудлиги, ташкилий структураси ҳақида маълумот, қурилиш-монтаж ишларини бажаришда фойдаланадиган пудрат ташкилотининг (техника)лари, туман ёки шаҳар Давлат солиқ идорасидан иштирокчининг солиқлар ва йиғимлардан қарздорлиги бор ёки йўклиги тўғрисида маълумотларни, хизмат кўрсатувчи банк томонидан тақдим қилинган айланма маблағлари тўғрисида маълумот, буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар томонидан тақдим қилинган пудрат ташкилоти тўғрисида ижобий хулосаларнинг мавжудлиги, талаб қилинган ҳужжатлар ва маълумотларни тўлалигича тақдим этганлигини баҳоланиши натижалари бўйича танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаган танлов иштирокчилари таклифларини танловдан четлаштирилиши борасидаги таклифини киритди.

4. Танлов предмети бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловда иштирок этишига рухсат бермаслик тўғрисида комиссия раиси ўринбосари ўз таклифини киритди.

5. Танловда иштирок этаётган ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар таҳлил қилиниши натижасида нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу иштирокчи танловдан четлаштирилиши юзасидан таклиф киритди.

6. Комиссия аъзолари танлов иштирокчиларининг таклифларини эълон давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида чоп этилган кундан бошлаб 5 иш кунидан кейин кўрилиши ва ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 61-моддасига асосан таклифлар бериш тугаган пайтдан бошлаб 10 иш куни ичида комиссия аъзолари томонидан баҳоланиши, баҳолаш натижалари котиб томонидан электрон тизимга киритилиши тартибини маъқулладилар.

7. Юқоридаги таклифларни танловлар жараёнида қўллаш бўйича танлов комиссияси раиси томонидан танлов комиссияси аъзолари ўртасида овозга қўйилди ва унинг натижаси қуйидагича бўлди:

“Розилар” - *5 овоз;*

“Бетарафлар” - *0 овоз;*

“Қаршилар” - *0 овоз.*

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилган ҳолда ҳамда билдрилган таклифларни инобатга олиб, танлов комиссияси йиғилиши

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Танловда иштирок этаётган ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар таҳлил қилиниши натижасида нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу иштирокчилар танловдан четлаштирилсин.

2. Буюртмачи томонидан танлов предмети бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловда иштирок этишига рухсат бермаслик тўғрисидаги таклифи комиссия аъзолари томонидан маъқулланганлигини инобатга олиб, уларни иштирок этишига рухсат бермаслик таклифи тасдиқлансин.

3. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни техник баҳолаш харид комиссиясининг кўпчилик овози билан аниқланиши, аниқлангандан сўнг баҳолаш натижалари котибга тақдим қилиниши ва котиб томонидан тизимга киритилиши тасдиқлансин.

4. Харид комиссияси котиби (Ш. Ҳамидов) зиммасига танлов комиссиясининг қарорлари асосида қабул қилинган шарт ва талабларни танлов ҳужжатлари таркибига киритиш юклансин. Шарт ва талабларни инобатга олиб, танлов предмети бўйича ишлаб чиқилган танлов ҳужжатлари, таркибидаги шакллар ва иловалар ҳамда уларни тақдим этиш бўйича қўйилган талаблар тасдиқлансин.

5. Пудрат ташкилотининг малакаси бўйича олган баллнинг умумий якуний баллдаги улуши – 80%, таклиф этилган нарх учун бериладиган балл умумий якуний баллдаги улуши – 20% этиб белгилансин.

6. Пудрат ташкилотларини танлаш бўйича шартлар ва маълумотлар 1-илова, 1а-иловада, танлов ҳужжатлари намунаси 2-иловада тасдиқлансин.

7. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш куни ичида кўриб чиқилиши тасдиқлансин.

**Танлов комиссиясининг имзолари:**

Ф. Латипов ________________

Б. Ортиқов ________________ 06 июнь 2022 йил

Р. Ҳайитов ________________

Ж.Джалилов ________________

*Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги*
*Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг*
*компанияси директорининг*
*2022 йил 6 майдаги №08/21 ИЧ-сонли*
*буйругига мувофиқ тасдиқланган*
*харид комиссияси РЕГЛАМЕНТИга 1- илова*

**Пудрат ташкилотлари учун танловда иштирок этиш шартлари ва маълумотлар**

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Буюрмачи ташкилот номи | Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси |
| 2 | Объект номи | ---- |
| 3 | Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби | Харид комиссияси аъзолари томонидан овоз бериш орқали |
| 4 | Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили: | Махсус электрон портал http://etender.uzex.uz |
| 5 | Танловни ўтказиш манзили, жойи ва санаси | Бухоро вилояти Бухоро шахар Навоий шоҳ кўчаси 5 уй. Махсус электрон порталда http://etender.uzex.uz да эълон берилган санадан 5 иш кунидан сунг. |
| 6 | Иштирокчилар томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатлар: | Пудрат ташкилотининг ташкилий структураси тўғрисида маълумот |
| | | Бошқарувчи, муҳандис-техник ходимлар ва ишчилар тўғрисида маълумот |
| | | Охирги 3 йилда бажарган пудрат ишлари |
| | | Охирги 3 йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи |
| | | Қурилиш-монтаж ишларини бажаришда фойдаланадиган пудрат ташкилотининг техникалари |
| | | Айланма маблағлари тўғрисида маълумотнома |
| | | Солиқдан қарздорлиги бўлмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома |
| | | Буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар томонидан тақдим қилинган пудрат ташкилоти тўғрисида ижобий хулосалар |
| | | Объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома" тақдим этиш |
| 7 | Иштирокчиларнинг танлов ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати | Таклифларни топширишнинг оҳирги муддати ва вақтигача |
| 8 | Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари | http://etender.uzex.uz сайтида эълон берилган санадан 5 иш куни |
| 9 | Танлов ҳужжатининг тили | Ўзбек ва рус тиллари |
| 10 | Танлов таклифининг амал қилиш муддати | Танлов таклифлари очилган кундан бошлаб 60 кун |
| 11 | Танлов таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили | Таклифларни қабул қилишнинг оҳирги вақти http://etender.uzex.uz сайтида кўрсатилган вақт ва муддат Манзил: Бухоро вилояти Бухоро шахар Навоий шоҳ кўчаси 5 уй. |
| 12 | Молиялаштириш манбаи | ---- |
| 13 | Молиялаштириш тартиби | Бунда: Танловда ғолиб чиккан иштирокчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, дастлабки икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) аванс ўтказади, Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларга мувофиқ обьектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 95% гача доирасида амалга оширилади. Обьектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб китоб қурилиш тугаллангандан сўнг ва обьект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартнома белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади. |
| 14 | Шартнома тили | Ўзбек тилида |
| 15 | Шартнома валютаси | Сўмда |
| 16 | Мурожаат учун телефонлар | 65-223-63-26 Хайитов Раззоқ |

**Компания бош муҳандиси** [signature] Ш. Фазлиев

Сканировано с CamScanner

***Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги***
***Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг***
***компанияси директорининг***
***2022 йил 6 майдаги №08/21 ИЧ-сонли***
***буйруғига мувофиқ тасдиқланган***
***харид комиссияси РЕГЛАМЕНТИга 1а- илова***

**Пудрат ташкилотлари учун танловда иштирок этиш шартлари ва маълумотлари**

| | | |
|---|---|---|
| **1** | Пудрат ташкилотининг ташкилий структураси тўғрисида маълумот | Тасдиқланган маъумот тақдим қилинади. |
| **2** | Бошқарувчи, муҳандис-техник ходимлар ва ишчилар тўғрисида маълумот | Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўгрисидаги ҳужжат |
| **3** | Охирги 3 йилда бажарган пудрат ишлари | Бажарган ишлар бўйича қабул қилиш далолатномалари, шартномалар, ҳисоб варақ фактуралар илова қилинади |
| **4** | Охирги 3 йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи | Тегишли солиқ органи томонидан тасдиқланган |
| **5** | Қурилиш-монтаж ишларини бажаришда фойдаланадиган пудрат ташкилотининг техникалари | Машина ва механизмлар |
| **6** | Айланма маблағлари тўғрисида маълумотнома | Хизмат кўрсатувчи банк томонидан тақдим қилинади, объект бошланғич қийматининг 20% ига етадиган айланма маблағи бўлиши керак. |
| **7** | Солиқдан қарздорлиги бўлмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома | Маълумотнома (Солиқдан тасдиқланган) |

| | | |
|---|---|---|
| 8 | Буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар томонидан тақдим қилинган пудрат ташкилоти тўғрисида ижобий хулосалар | Мавжуд ижобий хулосалар тақдим қилинади. |
| 9 | Объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома" тақдим этиш | Объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома" тақдим этиш |

**Компания бош муҳандиси** **Ш. Фохиров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI HOKIMLIGI HUZURIDAGI YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYASI
REPUBLIC of UZBEKISTAN THE CUSTOMER ENGINEERING SERVICE APTACHED TO THE HOKIMIYAT of BUKHARA REGION

ҚУЙИЛМА № 1

# ТАНЛОВ САВДОСИ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

**Танлов иштирокчисининг ишлаб чиқариш тузилмасини кўрсатинг (ташкилотнинг бўлинмалари билан биргаликдаги, бўлинмалар фаолиятининг қисқача таърифлайдиган чизма шаклидаги тузилмаси: участкалари, бўлимлари, цехлари, базалари, қоришмали ва бетон тармоқлари ва ҳоказо)**




**«» МЧЖ бошлиги _______________.**

**Тузиш санаси: « » _______________ 2022 й.**

**ҚУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**

ҚУЙИЛМА № 2

# ТАНЛОВ САВДОСИ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Савдо иштирокчисининг номи «» **МЧЖ**
Раҳбарнинг фамилияси исми ва отасининг исми
Манзили ва телефон (факс) рақами **Тел:**
Юридик мақоми **МЧЖ**
Тузилган санаси **гувохнома**
Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) **ОКОНХ Умумкурилиш ташкилоти**

**Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:**

| Тартиб №№ | Ф.И.Ш. | Маълумоти (ўқув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси) | Қурилишдаги иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | | | | | |

**Асосий ходимлар (участка, бўлим бошлиқлари, саркор, уста, ИЧБ (ПТО) муҳандислари ва бошқалар)**

| Тартиб №№ | Ф.И.Ш. | Маълумоти (ўқув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси) | Қурилишда иш тажрибаси (йил) | Участка (бўлим) номи, эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| | | | | | |

**Доимий ходимлар (ишчилар)**

| Тартиб №№ | Мутахассисликлар номи | Жами сони ва шу жумладан мутахассисликлар ва разрядлар бўйича | Улардан (3-гуруҳдан) малакасини тасдиқловчи ҳужжати борлар | Улардан (4-гуруҳдан) қурилишда 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | **Жами:** | | | |
| | **шу жумладан** | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Корхона бошлиғи: (имзо ва мухр)

**« » МЧЖ бошлиги** ______________

ҚУЙИЛМА № 3

# ТАНЛОВ САВДОСИ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ

*(Қуйилмага кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)*

## « » МЧЖ

*(танлов савдоси иштирокчисининг номи)*

| АКТИВЛАР | 2019й | 2020й | 2021й | ПАССИВЛАР | 2019й | 2020й | 2021й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Узоқ муддатли активлар** | | | | **Ўз маблағлари манбаи** | | | |
| **Асосий воситалар** | | | | **Низом капитали** | | | |
| **Шундан Ишлаб чиқариш фондлари** | | | | **Тақсимланмаган фойда** | | | |
| **Қолдиқ қиймат** | | | | | | | |
| **Капитал қуйилмалар** | | | | **Займлар** | - | - | |
| **Тугалланмаган ишлаб чиқариш** | | | | **Кредитор карздорлик** | | | |
| | | | | | | | |
| **Айланма маблаглар** | | | | **Шундан бюджетдан карздорлик** | | | |
| **Улардан ишлаб чиқариш захиралари** | | | | **Шундан иш ҳақидан қарздорлик** | | | |
| **Дебитор карздорлик** | | | | Шундан банк кредитидан карздорлик | | | |
| **Шундан муддати ўтган қарздорлик** | | | | | | | |
| **Жами баланс активи бўйича** | | | | **Жами баланс пассиви бўйича** | | | |

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

| Номи | 2019й | 2020й | 2021й | Номи | 2019й | 2020й | 2021й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. Реализациядан олинган тушум** | | | | **8. Соф фойда** | | | |
| **2. Реализациядан олинган соф тушум** | | | | **Шундан асосий фаолият бўйича** | | | |
| **3. Реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи** | | | | **Умумхўжалик фаолият бўйича** | | | |
| **4. Маъмурий харажатлар** | | | | **9. Асосий фаолиятдан олинган фойда** | | | |
| **5. Бошқа харажатлар** | | | | **10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда** | | | |
| **6. Даромад солиғи тўловигача фойда** | | | | **11. Зарар** | | | |
| **7. Даромад солиғи** | | | | **шундан асосий фаолиятдан** | | | |
| | | | | **умумхўжалик фаолиятдан** | | | |

Баланс фойда

Охирги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми ?

Раҳбар _______________ Бош ҳисобчи _________________ М.Ў.

Сана: «    »              й.

*Изоҳ: Танлов савдоси иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар (баланс ҳисоботларининг асл нусхалари) аудитор компанияси ёки солиқ идоралари томонидан тасдиқланган бўлиши керак.*

**ҚУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**

ҚУЙИЛМА № 4

# ТАНЛОВ САВДОСИ ИШТИРОКЧИСИНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ

**« » МЧЖ**

*(танлов савдоси иштирокчисининг номи)*

| № | Асосий воситалар | Русуми | 2020 йил 1 январ ҳолатидаги қолдиқ | Эскирганлик қиймати | Қолдиқ қиймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| 6 | | | | | |
| 7 | | | | | |
| 8 | | | | | |
| 9 | | | | | |
| 10 | | | | | |
| 11 | | | | | |
| 12 | | | | | |
| 13 | | | | | |
| 14 | | | | | |
| | *Жами:* | | | | |

**« » МЧЖ бошлиғи _____________**

**Тузиш санаси: «     » _____________ 2022 й.**

**Тасдиқланган: ________________________________**

(бош ҳисобчи имзоси)

**ҚУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**

ҚУЙИЛМА № 5

# ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ХОС ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

**« » МЧЖ** *(танлов савдоси иштирокчисининг номи)*

| № | Объект номи | Шартнома суммаси | Ишларни бошланиш ва якунланиш санаси | Бажарилган ишлар (ишларнинг асосий турлари позициялар бўйича кўрсатилсин) | Буюртмачи номи |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2019 йил | | | | |
| 3 | | | | | |
| | ИТОГО | | | | |
| | 2020 йил | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| | ИТОГО | | | | |
| | 2021 йил | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| | ИТОГО | | | | |
| | ВСЕГО: | | | | |

**« » МЧЖ бошлиги** ___________________

**Тузиш санаси: «  »__________ 2022 й.**

**Тасдиқланган:** ________________________________
(бош ҳисобчи имзоси)

***Маълумотлар иштирокчи томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва давлат комиссиялари далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.***

ҚУЙИЛМА № 6

# ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ПУДРАТЧИНИНГ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ

| Тартиб №№ | Номи | Маркаси | Сони | Ишлаб чиқарилган йили | Қуввати |
|---|---|---|---|---|---|
| | Машина ва мехнизм | | 4 | | |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| Ижара шартнома асосида | | | | | |
| 6 | | | | | |
| 7 | | | | | |
| 8 | | | | | |
| | | | | | |
| 17 | | | | | |
| 18 | | | | | |
| 19 | | | | | |
| 20 | | | | | |
| 21 | | | | | |
| 22 | | | | | |
| 23 | | | | | |
| 24 | | | | | |
| 25 | | | | | |

« » МЧЖ бошлиги ____________________

Тузиш санаси: « » ___________ 2022 й.

*ИЗОҲ: Ижара, лизинг ёки субпудрат асосидаги техника ижарага олинганда ижарага берувчининг кафолат хати ёки лизинг ёки субпудрат шарномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак, ўзига тегишли бўлган машина ва механизмларнинг тасдиқловчи ҳужжатлари)*

ҚУЙИЛМА № 7

# ҚУРИЛИШ МАЙДОНИНИ КЎРГАНЛИК ГУВОҲНОМАСИ

**Ушбу билан тасдиқланадики, мен «________» топшириғига биноан қурилиш майдончаси ва унга туташ ҳудудларда бўлдим, кўрув ўтказдим, шунингдек:**

**а) танлов ва лойиҳа ҳужжатларини, шу жумладан, график қисми (чизмалар)ни батафсил ўргандим;**

**б) мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларни қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ҳамда бошқа ҳолат ва шароитлар билан танишдим ва бизинг таклифимизда ҳисобга олдим.**

**« » МЧЖ бошлиги ______________**

**Тузиш санаси: « » 2022 й.**

**ҚУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**